# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 17 июль, № 145 (7375) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон — Афғонистон:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида Ўзбекистон ва Афғонистон маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Унда икки мамлакатнинг саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кенг намойиш этилмоқда.*

*Ўзбек ва афғон халқлари азалдан яқин қўшни, ўзаро дўст бўлиб яшаб келган. Кейинги пайтда давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Президентимиз қўшни давлатда барқарорликни тиклаш, иқтисодиётни юксалтириш ташаббускори бўлаётгани бунда муҳим аҳамият касб этаётир. Бинобарин, мамлакатимиз Афғонистонда тоғ-кон саноати, қурилиш, энергетика, таълим соҳаларидаги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашиб келмоқда.*




Кўргазма



Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад ҳам ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этишдан иборатдир. Зотан, бугун афғон бозорида ўзбек маҳсулотларига бўлган талаб катта. Қўшниларга нефть маҳсулотлари, электр энергияси, минерал ўғитлар, полиэтилен қоп, озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли моллари етказиб берилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Ўз навбатида, афғон тадбиркор ва ҳунармандлари қўл меҳнати маҳсули бўлган маҳсулотларга юртимизда қизиқиш кучаймоқда. Афғон миллий гиламлари шулар сирасига киради.

— Ҳар икки-уч ойда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга одатланганмиз, айни пайтда уларнинг хили 50 дан ошди, — дейди "Afghan Bazar Carpets Gmbh" гиламчилик компанияси раҳбари Муҳиббаллоҳ Раҳмонқул. — Бугунги кунда Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Туркманистонда ҳам гилам ишлаб чиқарилади. Аммо афғон гиламлари ранги, дизайни ва нақшининг ўзгачалиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки гилам табиий маҳсулотлардан фойдаланиб, фақат қўл меҳнати орқали тўқилади.

➡ 2

БИЗ ва ЖАҲОН

*АҚШ Миллий хавфсизлик агентлигининг расмий сайтида Томас Челуччининг "Федерал агентлик технологияларни тижоратлаштириш борасида халқаро ҳамжамиятдан нималарни ўрганиши мумкин?" сарлавҳали мақоласи жойлаштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолияти ҳақидаги фикрлар ҳам ўрин олган.*

Томас Челуччи:

## «ЎЗБЕКИСТОНДА 2035 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИК РЕЖА ЖАДАЛ РАВИШДА ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА»



Айтиш жоизки, Томас Челуччи 36 йилдирки, хусусий ва давлат секторларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда. У президентлар Жорж Буш ва Обама даврида АҚШ ҳукуматининг Тижоратлаштириш бўйича биринчи раҳбари бўлиб фаолият юритган. Ҳозир Президент Дональд Трамп жамоасига ҳам маслаҳатлар бериб туради.

Томас Челуччи юқори технологияларга асосланган тадбиркорлик ҳақидаги 25 та китоб ва 211 мақола муаллифидир. Физикавий кимё соҳасида илмий унвонларга эга, 21 та директорлар кенгаши аъзоси, халқаро университетлар профессоридир.

➡ 3

Сарҳисоб

## ҚЎМИТА ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИША ОЛЯПТИМИ?

*Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири сифатида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш вазифаси белгиланди. Шу боис Президентимизнинг соҳадаги жиддий муаммоларни бартараф этиш ҳамда уни бугунги кун талаблари даражасида юксалтиришга қаратилган ўндан ортиқ Фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди.*

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берган Фармони билан тасдиқланган "2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси" соҳадаги ислоҳотларнинг барча жабҳасини қамраб олгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Хабарингиз бор, аҳолига ҳар томонлама малакали тиббий хизмат кўрсатиш, юртдошларимизни керакли дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш, соҳада депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил этилган эди.

➡ 2

## МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

*Бугун мамлакатимизда барча соҳада изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган бош мақсад — халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизни ўтаётган ҳар бир кунидан рози қилишдир.*

*Бундан икки йил муқаддам Президентимиз мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда шахс камолоти, унинг маънавий-маърифий юксалиши жамиятимиз тараққиётига қудратли таъсир кўрсатишига эътибор қаратган эди. Ҳозирги кунда бу борадаги ҳаётбахш ташаббуслар рўёбга чиқарилмоқда.*



*Мухбиримиз Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Алишер Қодировга ушбу қизғин, шунинг билан бирга, мазмуни асрларга тенг жараёнларда инсон омили, унинг камолоти нечоғли аҳамият касб этиши хусусидаги саволлар билан мурожаат қилди.*

Эксклюзив интервью

***— Инсон ўзини англамоғи учун, аввало, руҳан уйғонмоғи шарт. Бинобарин, жамият ҳам. Биз кечаги лоқайдлигимиз, бепарволигимизни, энди ҳаётга бундай мудроқ муносабатда бўлиш керак эмаслигини англаб етдикми?***

— Ҳаётимизнинг барча жабҳасида янгича ёндашув ва талабларни жорий этиш, аҳоли ўртасида ташаббускорлик, халқ тақдирига дахлдорлик ва ўз келажагига масъулият ҳиссини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги ўзгаришларга четдан кузатувчи сифатида қараб туришга, бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати тубдан ўзгарди. Зарур қарорлар қабул қилинди, дардимизнинг номини аниқлаб олдик ва унга ечимлар излаяпмиз. Иқтисодий соҳада намуналар етарли: маҳсулот ишлаб чиқариш, бозор топиш, даромад кўриш ва уни кўпайтириш ҳисобига одамлар ҳаётини ўзгартириб юборган ривожланган мамлакатлар тажрибаси тайёр дастур. Ўзимизни ўзимиз иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан овунтириб, бўлмаган даромад билан бозорга чиқиш ниятидан воз кечдик. Таннархни қопламаётганлигимизни тан олдик ва халқимизга буни тушунтирмоқчимиз. Биз меҳрибонлик қилиб, бюджетдан юлиб олаётган энергоресурсларнинг қийматини болаларимизга қарз қилиб йиғиб қўяётганлигимизни билиб қолдик, эътироф этдик, тавба қилдик. Хуллас, иқтисодий тўкинликка эришган мамлакатларнинг ибратли тажрибасини яхшилаб ўрганиб, хулосаларни тўғри қилиб, тизимимизни янгилаяпмиз. Бу жуда яхши. Лекин бошқа масала бор, нега иқтисодий фаровонликка эришган мамлакатларда инсон хотиржам бўлолмаяпти? Нега одам бошига даромади энг юқори бўлган давлатларда оила, жамият, Ватан деган тушунчаларнинг аҳамияти жуда паст? Нега эркинликнинг ҳудудсиз маконида эркини излаётган пулдор учун ҳам, пулсиз учун ҳам оила қадрияти, жамият олдидаги масъулият ва ватанпарварлик баландпарвоз тушунча, вақтни ўғирлайдиган ортиқча ташвишга айланиб қолди? Бугун маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар бу саволларнинг жавобини англаётганимиздан нишона.

***— Глобал ва жуда тезлашаётган дунёда хотиржамликка эришиш тобора мушкуллашиб бормоқда. Ушбу жараёнда ўзликни англаш қандай кечади?***

— Аваламбор, инсоннинг хотиржамлиги ва фаровонлиги унинг ахлоқи ва тарбияси билан бевосита боғлиқ. Яхши тарбия одамни саодат, комиллик сари етакласа, ёмон тарбия ҳалокатга ундайди. Инсоннинг қалби, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлаш, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, инсон доимо маънавий озиқланиши керак.

➡ 2

## Юртимизга сайёҳларнинг севимли манзили сифатида қараляпти

**Буюк Британиянинг Travel Trade Gazette — TTG газетасида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига бағишлаб чоп этилган мақола Маданият ва тарих ўчоғи дея номланди.**



Жаҳондаги туризм нашрлари орасида машҳур саналган, 1953 йилдан бери чоп этиб келинадиган "TTG" газетаси ижодий ходимлари юртимизда бўлиб, олган таассуротлари ҳақида қизиқарли мақола чоп этди.

"Кўҳна шаҳарлар, бетакрор меъморий обидалар ва Буюк Ипак йўлининг шуъласи Ўзбекистонни бориш шарт бўлган ўлкалардан бирига айлантиради", деган сўзлар билан ўз мақоласини бошлайди муаллиф Абра Дансби (Abra Dunsby). Яқин-яқингача Британия кенг жамоатчилиги Ўзбекистон ҳақида тўла-тўкис маълумот ололмасди. Мамлакат бугун ташқи дунёга очилиб, тарих ва маданиятни қадрлайдиган сайёҳларнинг севимли манзилига айланмоқда. Қолаверса, сўнгги йилларда хориж оммавий ахборот воситалари ва кино компаниялари ҳам мамлакатга қизиқиш билдираётгани алоҳида таъкидланади.

➡ 3

Сенатор мушоҳадаси

## Натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг аҳамиятини бутун халқимизга етказиш масъулияти

*Ҳурлик, эркинлик — ҳар бир инсон учун энг улуғ, энг азиз неъмат. Боиси мустақиллик озод ва бахтли яшаш ҳуқуқи бўлиб, инсон қонуний манфаатларини таъминлашнинг бош омилидир. Зеро, мустақиллик туфайли Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, қадр-қиммати, ор-номуси ва ғururини теран англайди.*

Бугун мамлакатимизда эришилган юксак марралар, жонажон юртимизнинг кундан-кунга чирой очиб бориши, аввало, истиқлол шарофати туфайлидир. Айнан шунинг учун бағрикенг халқимиз Мустақиллик байрамини ўзгача шукуҳ, меҳр-муҳаббат билан нишонлайди. Бу йил ҳам мамлакатимизда Истиқлолимизнинг шонли санасини муносиб қаршилаш учун қизғин тайёргарлик кўрилаётир.

Президентимизнинг жорий йил 8 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан танишгач, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу йилги байрам тадбирларининг "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" деган шиор остида ўтказилишида катта маъно бор.

➡ 2



# ҚЎМИТА ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИША ОЛЯПТИМИ?

⬅1

Хўш, қўмита ўзига юклатилган вазифаларни қай даражада уддаламоқда?

Аввало, қўмита фаолиятининг асосий йўналишлари аниқлаб олинганини айтиш жоиз. Булар — соғлиқни сақлаш соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволини танқидий таҳлил қилиш, соҳани тартибга солиш билан боғлиқ амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш, самарали парламент назоратини жорий этиш ва энг муҳими, аҳоли саломатлигини сақлаш, замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш жабҳасидаги камчиликларни аниқлаб, уларнинг ечимини ишлаб чиқишга қаратилган таклифлар тайёрлашдан иборат.

Энди амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган ярим йили давомида қўмита қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали соҳа ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат фуқаролар репродуктив ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш ҳамда хусусий тиббиётни ривожлантириш учун зарур бўлган бозор механизмини жорий этишнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишда айни муддао бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қўмитамизда иккинчи ўқишга тайёрланди. Лойиҳанинг номидан ҳам кўриниб турибдики, у бугунги кунда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган болаларни гўдаклик даврида тўғри овқатлантиришни шакллантириш ва кичик ёшдаги болалар жисмоний саломатлиги ривожланишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Республика ҳудудларида биттадан туман ва шаҳарда тиббий хизмат кўрсатиш аҳволини намунали тарзда ташкил қилиш бўйича ҳам қатор амалий ишларга қўл урилди. Жумладан, намуна сифатида Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ва Боёвут тумани белгилаб олиниб, мавжуд тиббиёт муассасалари ташкилий тузилмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари билан бирга қайта кўриб чиқилди. Бу жараёнда тиббиёт муассасаларида ахборот-коммуникация тизимини яхшилаш мақсадида жами 7,21 км. узунликдаги оптик толали алоқа кабели ётқизилди, бирламчи тиббиёт тизими учун 80 та компьютер жамламаси, 15 та веб-камера етказиб берилди. Натижада "электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни тезкорлик билан киритиш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ортишига эришилди.

Бундан ташқари, мазкур тиббиёт муассасаларига замонавий рентген аппарати, УТТ, ЭКГ ва бошқа тиббий жиҳозлар ҳамда 200 дан зиёд патронаж сумкалари етказиб берилди.

Албатта, биз ҳали ўз олдимизга қўйган мақсадларга тўлақонли эриша олганимиз йўқ. Шу маънода, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар устидан парламент ва депутатлик назоратини самарали ўрнатиш, жойлардаги соҳага оид муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этишга амалий кўмак кўрсатишни тизимли йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

**Нурия АЙТЖАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

---

Долзарб мавзу

# МУАММОЛАРНИ КИМДИР ТАШҚАРИДАН КЕЛИБ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРМАЙДИ

## Мутасаддилар хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишда қатъият кўрсатиши лозим.

*Қишлоқ ва сув хўжалиги. Бу икки муҳим тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга. Давлат бюджетининг салмоқли қисми айнан аграр соҳа ҳиссасига тўғри келиши ҳам шундан. Айни сабабдан юртимизда мазкур секторни ривожлантириш масаласи ҳар доим устуворлик касб этган.*

Аммо давр талаби шундайки, у бугунги янгиликни эртага эскиликка айлантиришга қодир. Шундай экан, ушбу тизимга энг сўнгги технологияларни жорий этиш ҳисобига ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид амалий ҳамда инновацион илмий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш лозим.

Табиийки, бундай мураккаб йўлни етук олимлар ва юқори малакали кадрлар иштирокисиз босиб ўтиш қийин. Бу ҳақда гап кетганда, албатта, ушбу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаб берадиган таянч олий ўқув юртларидан бири — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кўз олдимизда гавдаланади.



Навбатдаги ўрганишларимиз жараёнида мазкур муассаса фаолиятини кўзгуга солиб, эришилаётган ютуқлар, шу билан бирга, йўл қўйилаётган камчилик ва истиқболдаги режаларни таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан қайта номланган ушбу таълим даргоҳида 6200 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Ахборот-ресурс маркази фондидан 636 мингдан ортиқ ўқув ва илмий адабиётлар, қўлланмалар жой олган. Бу ерда талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг дарс, умуман, мутолаа қилишлари учун зарур қулайликлар яратилган. Ўқув залидаги етмишдан зиёд интернет тармоғига уланган компьютерлар ҳам улар ихтиёрида. Ушбу марказ филиалида эса соҳанинг ўнта йўналишига оид қарийб 3500 та китоб жамланган.

Энди институт лабораториялари хусусида тўхталиб ўтсак. Айни пайтда 40 дан ортиқ лабораторияларда соҳага оид турли тадқиқотлар олиб бориляпти. Биргина Гидротехника иншоотлари лабораториясида Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги Тўпаланг сув омборининг 200 марта кичрайтирилган умумий макети яратилган бўлиб, талабаларга ушбу гидроиншоот ҳақида тўлиқ маълумот беришда муҳим ўринга эга.

— "Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал" деганларидек, ушбу макетнинг аҳамияти катта, — дейди Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари кафедраси доценти Одил Қодиров. — Сабаби маърузадан кейин сув омборининг кичрайтирилган шаклини кўриб, у ҳақда яққол тасаввур ҳосил бўлади. Бу эса ишни ҳар томонлама самарали ташкил этишимизда фойдали бўлмоқда.

Албатта, лабораторияларда зарур шароитлар муҳайё қилинса, фаолиятда самарадорлик юқори бўлиши табиий. Шу боис мазкур масала институт раҳбариятининг диққат марказида турибди: зарур жиҳозларни янгилаш ва мавжудларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Лекин ўқитувчи-ходимларни ташвишлантираётган масалалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, доцент О. Қодировнинг қайд этишича, Андижон сув омборининг макети ҳам яратилиши, қолаверса, машғулотлар ўтиш жараёни учун замонавий ўлчаш асбоблари ҳамда турли математик моделлар керак. Бу билим бериш ва таълим олиш имкониятини оширади.

Ҳақ гап. Бугунги давр лаборатория бўлимларини замон талаблари асосида модернизация қилиб боришни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим масканининг бундан қарийб ўн йил илгари ишга туширилган ва жиҳозланган олтита лабораториясига ҳам бевосита тааллуқли.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Талабаларга ўқув биноси ҳам етишмайди. Оқибатда улар икки сменада таҳсил оляпти.

— Институтимизнинг тўртта ўқув биноси мавжуд бўлиб,



Алихон ЎТАРБЕКОВ олган сурат.

улардан биттаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига берилган эди, — дейди ўқув ишлари бўйича проректор Баҳодир Мирзаев. — Шу боис бир сменада ишни ташкил этишда бир оз қийинчиликлар бўлди. Кўриб турганингиздек, айни пайтда қўшимча 600 ўринли ўқув биноси қуриляпти. Уни янги ўқув йилида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Аммо бу ҳам масаланинг ечими эмас-да. Бизга тўлиқ бир сменада ўқитишни йўлга қўйишимиз учун яна битта ана шундай бино зарур.

Кузатувларимиз давомида институтнинг 8 та объектида қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганига амин бўлдик. Уларнинг яқин кунларда фойдаланишга топширилиши эса ўқитувчилар ва талабаларга зарур қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Институт раҳбарияти эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар шугина эмас. Хорижлик талабаларни жалб қилиш ишларини ҳам жонлантириш зарур. Биз фаолияти ҳақида сўз юритаётган мазкур муассаса эса Марказий Осиёда сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича яратилган шароитлари билан биринчилар қаторидан жой олган. Демак, бу муаммонинг ечимини топиш мумкин. Бунинг учун эса олдинга интилиш, изланишдан бир зум ҳам тўхтамаслик лозим.

Қисқаси, институт мутасаддилари тилга олинган камчиликларни тез кунларда ҳал этиш чораларини кўриши лозим. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, муаммоларни кимдир ташқаридан келиб ҳал қилиб бермайди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---



Ўзбекистон — Афғонистон:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

⬅1

Масалан, ипак ва бошқа иплар 20 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қиладиган ўзимизнинг йигирув фабрикамизда ишлаб чиқарилади. Шунинг учун маҳсулотларимизга талаб катта. Дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қиламиз. Хусусан, АҚШ, Германия, Италия, Швейцарияда ўз офисимиз бор. Эндиликда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқчимиз. Маҳсулотларимиз юртдошларингизга манзур бўлаётганидан хурсандмиз.

Икки мамлакат ишбилармонлари савдо-иқтисодий муносабатлар истиқболини юқори баҳоламоқда. Чунки томонларнинг олий даражадаги эътибори туфайли тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги кооперация алоқалари мустаҳкамланяпти. Хусусан, куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон — Афғонистон бизнес форуми ва кооперация биржаси якунлари бўйича 25 та экспорт шартномаси ҳамда ҳамкорлик бўйича меморандум имзолангани шундан далолат беради.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

# Натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг аҳамиятини бутун халқимизга етказиш масъулияти

⬅1

Ортда қолаётган йигирма саккиз йил мамлакатимиз тарихидан муносиб ўрин олади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига юз тутиб, турли соҳаларда муваффақиятларга эришмоқда. Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳудудлардаги амалий натижаси ҳар бир юртдошимизнинг қалбида шукуҳ уйғотиши табиий. Сабаби "Обод марказ", "Обод маҳалла" ва "Обод қишлоқ" дастурлари доирасида Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси янги қиёфа касб этиб, аҳолининг турмуш тарзи янада яхшиланиб бормоқда.

Жойлардаги ислоҳотлар Қорақалпоғистон Республикаси, жумладан, Мўйноқ туманида ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида ҳудудни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Президентимизнинг Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган Мўйноқ халқи, унинг сабр-тоқати, ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак, деган фикрлари ҳудуд аҳлининг кўнглини тоғдек кўтарди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Мўйноқ туманида замонавий туражойлар, ижтимоий-маданий объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди. Барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар минглаб иш ўринлари яратиш, одамларнинг неча йиллик орзу-умидлари, интилишларини рўёбга чиқариш имконини берди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги "Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, туманда тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилатиб суғориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

Яна бир қувонарли жиҳати, туманнинг экологик ҳолатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Орол денгизининг сувсиз ҳудудида 500 минг гектар ўрмонзор барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берган эди. Шу асосда денгизнинг суви қуриган майдонларида ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишга киришилди.

Ушбу тадбирга саксовул ўсимлигини экиш учун 200 тага яқин ҳар хил турдаги техника, транспорт ва механизмлар, шунингдек, 2 минг нафарга яқин ўрмон хўжалиги мутахассислари ва бошқа ихтисослашган ходимлар жалб этилди. Устувор режага кўра, ярим миллион гектар майдонда яшил ўрмонзорлар барпо этилади. Ваҳолонки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича 1 миллион 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

Қисқача айтганда, мазкур муҳим қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирганда, авваламбор, бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз байрам сифатида, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

Истиқлолимизнинг яна бир айёми яқинлашмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришган натижаларни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимиз онги шууурига етказиш биз, сенаторлар олдида турган салмоқли вазифалардан, назаримда. Бу барчамизнинг зиммамиздаги масъулият.

**Орал ОТАНИЁЗОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

---

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

⬅1

Туркий халқларнинг қадимий ёдгорлиги ҳисобланган Ўрхун-Энасой тош битикларида шундай сўзлар ёзилган: "Сен ўзингни англасанг, ўзлигингга қайтсанг, юксаласан, буюк бўласан!". Бу битиклар тошга ўйилганида аждодларимиз ислом динидан бехабар эдилар. Орадан бир неча аср ўтиб: "Сиз ўзингиз ўзгармагунингизча, жамиятингиз ўзгармайди", деган оят нозил бўлган муқаддас Қуръони Карим аждодларимиз руҳиятига муносиб бўлгани учун қадриятимизга айланди. Биз муқаддас исломни нафақат ўргандик, балки унинг моҳиятини инсониятга ўргатган буюк алломалар вориси бўлдик.

Тарих саҳифаларини варақлайдиган бўлсак, қаерда маърифатга эътибор қаратилиши, илм-фан ривожига шарт-шароит яратилиши билан бирга, инсон қадри, шаъни улуғланган жамиятлардагина тараққиётга эришилган.

Юртимиз юксалиши учун йўлга чиққан эканмиз, аввало, мустаҳкам тикланиб олишимиз зарур. Зеро, тикланишга эҳтиёжимиз бор. Қаддимизни букиб турган, кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олаётган муаммоларимиз, қон-қонимизга, онгу шууримизга сингиб кетган "одатлар" халқимиз елкасига сезиларли юк бўлмоқда. Ушбу муаммолар фақатгина иқтисодий масалалар, иш ўринларини яратиш, завод-фабрикалар қуриш билан боғлиқ, улар ўз ечимини топса, қолган масалалар ўз йўлига тушиб кетади, деган фикр хатодир. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилояти фаоллари билан ўтказган учрашувида шундай деган эди: "Биз иқтисодиётимизни оёққа турғазамиз, пул топамиз, инвестициялар жалб қиламиз, лекин меҳнатларимизни қадрлайдиган, уларни янада ривожлантира оладиган ёш авлодни тарбия қилмасак, қилган ишларимиз ўз маъносини йўқотади".

Дунё эътироф этган буюк аждодларимиз билан ғурурланамиз, лекин нимага ғурурланаётганимизни англамаймиз. Яқинда ахборот каналларидан бирида, ўзини ҳақиқатгўй сановчи, таъсирчан блогер Маслоу пирамидасини рўкач қилиб, "...минг йиллаб таҳлил қилинган ва интилиш макони бўлган комил инсон тушунчаси, бугунги қоринни тўйдириш тушунчаси олдида икки пулга қиммат вайсашга айланиб қолди, аввал қоринни тўйдириб кейин маънавият деб кариллаш"ни маслаҳат берди. Бу блогер — бугунги ёш авлод, бугунги дунёқарашнинг меваси, ундан хафа бўлиш керакми? Унинг фикрини ўзгартириш долзарб масалами? Инсон онгини ўзгартиришдек машаққатли иш йўқ. Биз бу фикрни ўзгартира оламизми? Инсон дунёқараши шаклланиб бўлганидан кейин икки ҳолатдагина ўзгариши мумкин: биринчиси — ҳаётнинг аччиқ тарсакиси, тақдирнинг оғир зарбаси онгнинг ишламаган қирраларини ишлатиб юборади ва инсон ўз дунёқарашини ўзгартиради. Иккинчиси, инсон тафаккур қилади, буюк неъмат — идрок қўлланади, ўзини ўзгартиради ва ҳақиқатни топади. Ҳамон шундай экан, балки кейинги авлодларнинг тўғри йўлни танлаши учун шароит яратиш устида жиддийроқ бош қотиришимиз керакдир?

***— Тўғри йўл саодатга, эгри йўл ҳалокатга элтади. Умуман, ёшлар ўз келажаги учун танлаган йўлининг мустаҳкам асоси нимада?***

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фарзанднинг қандай йўл танлаши, биринчи навбатда, оиладаги муҳит ва ота-онанинг дунёқараши билан боғлиқ. Тўғри танланган пойдевор устига маҳорат билан қадриятлар устунларини ўрнатиш мактабгача таълим муассасасидаги тарбиячига боғлиқ. Юксак масъулият ва меҳр билан тайёрланган пойдевор ва ноёб устунларни (миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳаётий мезонларга айлантириб юбориш маҳорати камсонли миллатларга насиб этади) ҳаётнинг кучли бўрону довулларидан асраши учун хизмат қиладиган илм гумбазлари билан мустаҳкамлаш мактабдаги муаллимлар маҳорати билан ўлчанади. Биз ушбу муҳим босқични таъмирламасдан туриб, тикланиш ҳақида ўйлашимиз кулгили туюлиши мумкин. Энди асос ҳақида тўхталсак. Назаримда, бу чуқур ва кенг маърифат. Маърифатли шахс йўлидан қайтмайди ва сира адашмайди ҳам.

***— Кейинги йилларда таълим-тарбия масаласи жамоатчилик томонидан атрофлича муҳокама этилмоқда. Мазкур икки моҳиятнинг узвийлиги барчага аён. Умуман, тарбия қачон бошланади, унинг давомийлиги ва самарасини ўлчайдиган мезон борми?***

— Республика Маънавият ва маърифат маркази тегишли вазирлик ва идоралар билан узлуксиз тарбия методикасини ишлаб чиқди. Ушбу методика фарзанд тарбиясида онасининг ҳомиладорлик давридан бошланиб, 18 ёшида мактабни тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўйиши билан тугалланади. Ҳа, тугалланади! Тарбия бутун умр давом этади, дейдиганлар фикрини инкор қилмайман, лекин тарбиянинг пойдевори шу давр ичида якуний шакл олиб бўлади. Мактабларда ўргатиладиган фан дарсликлари билан тенг ҳажмда тарбия дарслигининг жорий қилинишини таклиф этмоқдамиз. "Одобнома", "Миллий ғоя" каби турли номлар билан ўқитилаётган дарсликлар том маънодаги тарбиядан чалғитади. Бунга фақатгина дарсликлар эмас, албатта, тарбиячининг нопрофессионаллиги ҳам сабаб.

Шу ўринда яна бир жиддий муаммога эътибор қаратишимиз зарур. Педагогларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан ислоҳ қилиниши зарур. Педагог бўлиш жиддий қобилият талаб қилгани ҳолда ушбу соҳага тасодифий талабаларнинг келиб қолиши одатий тус олди. Мактабларда тарбия жараёнини ташкил қилиш бўйича махсус йўналиш очилиши ҳақида ўйлашимиз керак. Мактабда математика, физика ва она тили ўқитувчилари қаторида тарбиячиларнинг тўлиқ соатлари ва методикалари билан иш олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлаш учун бир эмас, уч маротаба психологик ва педагогик маҳорат синовларидан ўтиш жорий қилиниши лозим.

Замонавий психологлар инсон хатти-ҳаракатларининг 10 фоизгача қисмини онг бошқарса, қолган 90 фоизини онг ости бошқаришини таъкидламоқдалар. Савол туғилади, инсон ўз онг остисини бошқара оладими? Ноёб ва камсонли одамларгина онг остини англай олади. Уни бошқариш эса... бу алоҳида истисно. Инсоннинг ҳаракатларини белгиловчи, лекин шу билан бирга унга бўйсунмас ушбу тушунча нима ўзи?

Абу Али ибн Синонинг олдига туғилган фарзандини олиб келиб, тарбияси бўйича маслаҳат олмоқчи бўлган онага алломанинг жавобини эсланг: "... тўққиз ойга кеч қолибсиз!", деган эди у. Яъни фарзанд ҳақида ўйлаётган пайтингиздаёқ сиз унинг тарбияси ҳақида ўйлашни бошлашингиз керак. Унинг маънан баркамол бўлиши сизнинг ҳалоллигингиз, ўй-хаёлларингиз билан боғлиқ. Замонавий педагогика бу қадар чуқур ёндашмайди. Педагогларнинг ёрқин намояндаси Антон Макаренко "Болага 12 ёшигача нимани берсангиз, шуни ўрганади, 12 ёшдан кейин нимани хоҳласа, шуни ўрганади", дейди.

Инсонни жамиятнинг капилляри деб ҳисобласак, демак, одамлар дунёқараши жамиятнинг ҳолатидир. Биз жамият ҳолатини яхшиламоқчи эканмиз, аввало, инсоннинг дунёқараши ва тарбиясини яхшиламоғимиз зарур.

Кўп тадқиқотчилар инсон муҳитни яратади, дейишади. Албатта, бу тўғри. Лекин яхши инсон яхши муҳитни, ёмон инсон эса ёмон муҳитни юзага келтиради. Яхши инсон тўғри тарбиянинг маҳсулидир.

***— Келинг, холис баҳо берайлик, бугун бу борада кўп нарса ўзгардими?***

— Тан олиш керак, ўтган 25 йил давомида, асосан, иқтисодий ва сиёсий муаммоларга ўралашиб қолиб, совет давридан мерос маънавий эврилиш асоратлари билан жиддий шуғулланмадик. Одамлар, айниқса, ёшлар маънавиятини яхшилаш, таълим-тарбиясини мустаҳкамлашга биринчи галдаги вазифа сифатида қарамадик. Қарасакда, бу борада қабул қилинган қарор, дастурлар ижроси таъминланмади. Давлат ўз ташвишидан ортмади, одамлар эса қорин тўйдириш билан овора бўлиб қолди. Фарзандлар тарбиясига вақт топилмади. Барча соҳада коррупция, порахўрлик илдиз отди. Пул ҳамма нарсани ҳал қила бошлади. Таълим тизими издан чиқди. Ёшлар қўлига китоб ўрнига "сотка" тутди. Илмга интилган болаларимизга "Ўқиб, шаҳар олиб берармидинг!" деб танбеҳ бердик.

Кейинги пайтларда аёлларнинг ўз боласини сотаётгани, ҳатто қотилига айланаётгани ҳақида тез-тез эшитяпмиз. Арзимаган пул эвазига бутун бошли бир оиланинг қотилига айланган фарзанд осмондан тушмади-ку!

Яқин-яқингача эшигига қулф осишни уят билган, бировнинг ҳақини ейишга ор қилган халқимизнинг баъзи бир вакиллари бугун ўғрилик, ўзгалар ҳақига хиёнат қилишдан тап тортмай қўйди. Боғчаларда болалар ҳақини "туя" қиладиган опахонлар гердайиб халқ ичида қиммат уловларда юришяпти. Буни, эҳтимол, бозор иқтисодиётининг ҳаётдаги акси дея баҳолаш мумкиндир, лекин, аслида, халқ тийнати, минг йиллар ғурур ва ифтихор манбаи ҳисобланган, авлодлар тарбияси ва менталитетини белгиловчи маънавий мезонларнинг инқирози эканлигини ким рад этолади?!

Ўқув юртларида мутахассис бўлишга қодир шахсга зарур таълимни бера оляпмизми? Ундан иқтисодий ва молиявий тизимларнинг ишлаш жараёнини яхшилаб ўрганишни эмас, бўйинбоғни қандай тақиб, кимга, қачон салом бериш кўникмасини эгаллашни талаб қиляпмиз. Шу сабабли балки бугун шифокор Гиппократ қасамёдининг моҳиятидан кўра кўпроқ баландпарвоз сўзларни яхшироқ билар? Ўқиганга ҳам, ўқимаганга ҳам баҳосини қўйиб бердик. Балки шунинг учун қўлига қизил дипломни "бир амаллаб" олган фарзанд ижтимоий тармоқларда уни оёқлари тагига қўйиб, эътирозини билдираётгандир?

Тарбия, такрор айтамиз, аввало, оилада бошланиши, сўнгра болалар боғчаларида мустаҳкамланиши керак. Олимларнинг якдил хулосасига кўра, боланинг келажакда қандай одам бўлиши, унинг болаликдан олган тарбиясига боғлиқ. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев вазифасига киришиши биланоқ "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ва "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорни қабул қилди.

Ҳар биримиз фарзандларимизнинг ўқимишли, маърифатли бўлишини хоҳлаймиз. Афсуски, бугун бадиий китоб, газета-журнал кириб бормайдиган хонадонлар жуда кўп. Энди ўйлаб кўринг, умрида қўлига бадиий китоб ушламаган, ҳатто газета-журналларнинг номини эшитмаган ёшлардан нима кутиш мумкин?! Китоб, обуна нархи қиммат дерсиз, тўй-маъракаларда миллионлаб пулни ҳавога совураётган ўзимиз эмасми?

Таъкидлаш лозим, хатоларимиздан тегишли хулоса чиқариб, миллий юксалиш йўлини изламоқдамиз. Президентимиз таъкидлаганидек: ***"Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан — миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очиқ демократик жамият қуриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз".***

***— Сиз Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг етакчисисиз. Айтинг-чи, парламентаризм жараёнида кузатилган бир хиллик, сокинлик, фикрий рақобатсизлик, қарсакбозлик даври ўтдими?***

— Партия имижини яратиш, сайловчилар манфаати, сиёсий партиялар фаолиятидаги бир хилликка барҳам бериш, аниқ ғоя ва электоратга эга бўлиш, мавҳум, баландпарвоз шиор, маъруза ва статистика учун ўтказилаётган тадбирларга чек қўйиш каби муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратяпмиз. Очиқ-ошкора тарзда ўтказилаётган учрашувларда "чанқаб" турган "тўртинчи ҳокимият" вакиллари партия фаолиятига боғлиқ муҳим таклифларни беришяпти. Улар бугун электоратимиз сиймосида партиядан давлат тили қадрини кўтариш, дин ва жамият ўртасидаги ёвқарашга ечим топиш, турли соҳалардаги халқаро ҳужжатларни қабул қилишда миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қатъий позицияни ҳимоя қилиш, таълим тизимини ислоҳ этиш ва мамлакатимизда тарбия тизимини ташкил қилиш бўйича жиддий ишларни амалга оширишни талаб этишмоқда.

Агар Ўзбекистонимизни юксак манзилларга қараб сузиб кетаётган бир кемага ўхшатсак, барчамиз, 33 миллион ватандошимиз шу кеманинг йўловчиларидир. Кема ичида хотиржамлик ва ҳамжиҳатликнинг бўлиши шундоқ ҳам сердовул ва сезилмас сув ости бўронларига бой ҳаёт уммонида барқарор илгарилашимизни таъминлайди. Турли фикрларни рўкач қилиб шовқин-сурон кўтарсак, бир-биримизнинг ёқамизга ёпишсак, кеманинг мувозанатини бузамиз ва нафақат ўзимиз, келажак авлодларимиз учун ҳам хавф яратамиз. Албатта, фикрлар хилмахиллиги, турли дунёқарашларнинг бўлиши табиий ҳолат. Худо инсонни турли тилли, ирқли ва миллатли этиб яратиб, ўзаро аҳил яшаш ва биргаликда ривожланишни буюрди. Бир-биримизни инсон эканлигимиз учун ҳурмат қилишни ўрганишимиз лозим. Албатта, фикрлашишимиз, тортишишимиз, баъзан инкор қилишимиз, ўзгартиришимиз зарур. Зеро, плюрализм ҳақиқатни тиниқлаштиради. Лекин бу тортишувлар мамлакатимиз манфаатлари, она Ватанимизнинг юксалиши мақсадида бирлаша оладиган бўлиши лозим.

Ота-онани танлаб бўлмаганидек, Ватанни ҳам танлаб, алмаштириб бўлмайди. Унинг тараққиёти эса ҳар биримизнинг тараққиётимиздир. Ҳар биримиз ўзимизни ўзгартирмасдан туриб, орзу қилинаётган мукаммал жамиятни қура олмаслигимизга ишонч ҳосил қилган кунимиздан бошлаб ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланамиз.

**«Халқ сўзи».**

## Томас Челлуччи:

# «ЎЗБЕКИСТОНДА 2035 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИК РЕЖА ЖАДАЛ РАВИШДА ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА»

⇐1

Биз тилга олган мақолада эса у Ўзбекистон ҳақида қуйидаги фикрларни баён этади: "Шу кунларда катта эътиборга тушган дастурларнинг иккинчиси Ўзбекистон билан боғлиқ. Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этган Президент ва ҳукумат ташаббуси билан 2035 йилгача мўлжалланган стратегик режа жадал равишда ишлаб чиқилмоқда. Тасаввуримизча, Ўзбекистон янги вазирлик орқали ўз режасини 2035 йилга қадар бажармоқчи ҳам. Ушбу вазирлик томонидан грант молиялаштиришининг янги механизми ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида стратегик аҳамиятга эга маҳсулотларни яратиш бўйича танловлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Бу илмий-тадқиқот гуруҳларига бир йилда бир нечта тадқиқот грантларида қатнашиш имконини беради. Грантга тақдим этиладиган лойиҳалар эндиликда маҳсулотга йўналтирилгани учун мазкур лойиҳани тижоратлаштириш имконияти ошган. Аввалгидек, грант натижаси энди якунланмаган тадқиқотлар битилган бир даста қоғозлардан иборат бўлмайди. Бундан ташқари, вазирлик илм-фан ва саноат интеграцияси бўйича ҳам иш олиб бормоқда.

Муаллиф мақола сўнгида илмий ишланмаларни тижоратлаштириш тадқиқотлар ва инновацияларнинг "оқибати" эмаслигини, балки у пухта режалаштирилган, мунтазам равишда мониторинги олиб бориладиган, аниқ дастурлар натижасида юзага келишини таъкидлайди. Гап бундай дастурларга сарфланаётган пулда эмас, балки мамлакат иқтисодиётига сезиларли фойда келтирадиган дастурларнинг қандай бошқарилиши ва амалга оширилишида, дейди Томас Челлуччи.

**«Халқ сўзи».**

# Юртимизга сайёҳларнинг севимли манзили сифатида қаралмоқда

⇐1

"Инглиз мутахассисларининг фикрича, 2018 йили Буюк Британиядан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони 2017 йилдагига нисбатан 28 фоиз ортган. Европанинг 45 давлати қаторида Буюк Британия фуқаролари учун 2019 йил февраль ойида Ўзбекистонга визасиз тартиб жорий қилиниши сайёҳлар оқимига туртки берган муҳим воқеа бўлди. Натижада британияликлар республикага ўттиз кунгача муддат учун ҳеч қандай визасиз ташриф буюришлари мумкин. Виза тартибининг эркинлаштирилиши Ўзбекистоннинг ўзгаришларга жиддий киришганидан далолат беради", деб ёзади журналист.

Шарҳловчи Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни унинг очиқлик, эркинлик ва тараққиёт томон дадил қадамлари учун асос бўлганини қайд этади. Сайёҳлар орасида азалдан машҳур бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хива билан бир қаторда, сўнгги йилларда Термиз, Нукус сингари шаҳарлар, Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳам туризм манзили сифатида ривожланиб бормоқда.

"Регистон мажмуасининг гўзаллиги, Угом-Чотқол тоғ тизмаларининг маҳобати, Нукусдаги Савицкий музейининг тарихи, ўзбек миллий таомлари... Ушбу ўлка барчага мутлақо янгича муҳит ва таассуротларни тақдим этади, — дейди Абра Дансби. — Айниқса, маҳаллий аҳолининг самимияти, меҳмондўстлиги ва доимо ёрдамга шайлиги саёҳатингизни сезиларли тарзда осонлаштиради. Зеро, ҳар қандай вазиятда ўзбекистонликлар сизга кўмак беришга тайёрдир. Мамлакатда сайёҳлар сони ҳали унчалик кўп бўлмаган пайти уни бориб кўриш зарур, тез орада дўппини ташласа, бўш жой топиб бўлмайдиган даражада туристлар оқими кутилмоқда".

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# «ҲАМ ФАРЗАНД ДОҒИ, АДОЛАТСИЗЛИКДАН ЭЗИЛДИМ»

## ДЕЙДИ ТЕРМИЗЛИК ФУҚАРО ХАЛИЛ ЭШҚУВВАТОВ

*Инсон ҳамма нарсага — ҳаётнинг пасту баланди, қийинчилик ва машаққатлари, ҳатто катта-кичик йўқотишларга ҳам чидаши, кўникиши мумкин. Аммо ноҳақлик ва адолатсизликка дош бериши мушкул...*

*82 ёшни қаршилаган Халил ота Эшқувватовнинг юрагини ўртаб, фиғонини ошираётган ҳам айнан шу — адолатсизлик. Мана, икки йилдирки, отахон нажот излаб бормаган эшик, мурожаат қилмаган идора қолмади ҳисоб. Отахон шу кунга қадар мурожаатлари ҳуқуқий баҳоланиб, якуний ечим топмаётганидан норози бўлиб келмоқда.*

### Газетхон мурожаати

— Президентимизнинг оммавий ахборот воситаларидаги ҳар бир чиқишини мунтазам кузатиб бораман, — дейди биз билан суҳбатда Халил ота. — Ҳар бир сўзида адолат ва ҳақиқатни улуғлаши, барча даражадаги раҳбарларни одамлар дардини тинглаш, оғирини енгил қилишга даъват этиши менинг давлатимиз раҳбарига, унинг халқчил сиёсатига бўлган ишончимни янада оширади. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни коррупциядан холи этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари қувонарлидир. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигини англаб, масалага адолатли ёндашиш, бу — инсонийликнинг олий намунаси. Ҳар ҳолда, мен шундай ўйлайман. Шу туфайли ҳақиқатга интилиб яшаяпман. Шундай экан, бир куни, албатта, арзим тингланиб, дардимга малҳам қўйилади, деган умиддаман.

Таҳририятга йўлланган мурожаатда баён этилишича, 2017 йилнинг 12 май куни Халил Эшқувватовнинг 1959 йилда туғилган ўғли Тоғаймурод Хошбоқов Термиз шаҳар 5-кичик даҳасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида қўл ва оёғи қаттиқ жароҳатланиши, бош мия ёрилиши натижасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Термиз филиалига ётқизилади. Бемор бу ерда 11 кун давомида зарур муолажаларни олган. Афсуски, ушбу ҳодисадан кейин оғир ёпиқ бош мия асорати билан 8 ой мунтазам даволанган бемор 2018 йилнинг 11 январь куни ўз уйида вафот этади. Ҳамма гап шундаки, Сурхондарё вилояти Суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан 2018 йил 25 январда берилган эксперт хулосасида 1959 йилда туғилган, Термиз шаҳар Ат-Термизий кўчаси, 15/32-уйда яшовчи марҳум Хошбоқов Тоғаймурод юрак ишемик касаллиги, гипертония хасталиги туфайли вафот этганлиги кўрсатилган. Хусусан, экспертиза хулоласида шундай жумлалар ёзилган: "ЙТҲ содир бўлгандан токи марҳум Хошбоқов Тоғаймурод ўлимигача орадан 8 ой муддат ўтган бўлиб, 15. 05. 2017 йил кунида содир бўлган ЙТҲ мазкур ўлим содир бўлишига сабабий боғланишда эмас, ўлимига тўғридан-тўғри сабабчи бўлмаган". Ҳолбуки, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгунга қадар соғлиғидан асло шикояти бўлмаган бўлса-да, Тоғаймурод Хошбоқов автоҳалокатдан олган жароҳати туфайли вилоят ҳамда республика шифохоналарида мунтазам даволанган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам мавжуд. 2017 йил 16 сентябрда Тиббий назорат-комиссияси томонидан берилган маълумотномада Тоғаймуродга бош мия жароҳати астено-невротик синдроми ташҳиси қўйилган ва шу хулосага биноан бемор оғир жисмоний меҳнатдан озод этилган.

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2017 йил 26 майдаги қарорига кўра, тахминан 15:40 да фуқаро Э. Қодиров тоғаси И. Хожиевга тегишли "Кобальт" русумли, 75 Q 828 DA давлат рақамли автомашинани бошқариб, ушбу автоулов билан Термиз шаҳар, 5-кичик даҳа ҳудудида йўловчи Т. Хошбоқовни туртиб юбориб, унга нисбатан "соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган енгил" тан жароҳати етказган.

> Ҳар бир сўзида адолат ва ҳақиқатни улуғлаши, барча даражадаги раҳбарларни одамлар дардини тинглаш, оғирини енгил қилишга даъват қилиши менинг давлатимиз раҳбарига, унинг халқчил сиёсатига бўлган ишончимни янада оширади. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни коррупциядан холи этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари қувонарлидир. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигини англаб, масалага адолатли ёндашиш, бу — инсонийликнинг олий намунаси. Ҳар ҳолда, мен шундай ўйлайман. Шу туфайли ҳақиқатга интилиб яшаяпман. Шундай экан, бир куни, албатта, арзим тингланиб, дардимга малҳам қўйилади, деган умиддаман.

Мазкур суд қарорида кўрсатилишича, Қодиров Эргаш Чори ўғли 1997 йил 10 майда Бойсун туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Миллати ўзбек. Маълумоти ўрта махсус. Мукаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, бўйдоқ, ишсиз. Бойсун туманидаги Қизилнавр маҳалласида яшайди. МЖтКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорида (449325 сўм) жарима жазоси тайинланган.

Термиз шаҳар прокуратураси томонидан Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судига берилган протестда кўрсатилишича, "...мазкур маъмурий ишни судда кўриб чиқиш вақтида суриштирув органи томонидан фуқаро Э. Қодировнинг содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг моҳияти, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат, яъни содир этилган ҳаракатни ЎзР МЖтКнинг тегишли модда ва қисми билан малакалашда қонунбузилишга йўл қўйилганлиги ҳолатига баҳо берилмаган.

Ҳуқуқбузар Э. Қодировнинг юқоридаги ҳаракатларида ЎзР МЖтКнинг 133-моддаси, 135-моддаси 1-қисми ва 135-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса-да, суриштирув ҳаракатлари натижасига кўра, 16. 05. 2017 йилда расмийлаштирилган 75-462113-сонли маъмурий баённомада ҳуқуқбузар Э. Қодировнинг ҳаракати фақатгина МЖтКнинг 133-моддаси билан малакаланиб, тегишли муносабат билдирилмаган ҳолда қарор қабул қилинган.

...Ушбу маъмурий иш бўйича жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 26. 05. 2017 йилдаги қарори бекор қилиниб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўшимча суриштирувга юборилиши лозим".

Шуни ҳам айтиш керакки, 12. 05. 2017 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси бўйича орадан 4 кун ўтиб, 16. 05. 2017 йил маъмурий баённома тузилгани ҳам таажжубли ҳол. Ушбу маъмурий баённомада марҳум Хошбоқов Тоғаймуродга тегишли янги велосипед пачоқланиб, яроқсиз бўлиб қолгани ҳам нима учундир кўрсатилмаган?

Марҳум Хошбоқов Тоғаймуроднинг отаси ва қонуний ишончли вакили Халил Эшқувватовнинг даъво қилишича, ўғлининг вафотига айнан 12. 05. 2017 йил содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси туфайли олган тан жароҳати сабаб бўлган. Мазкур ҳолат бўйича шахснинг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда фақатгина тақдим этилган ҳужжатлар билан чегараланмасдан, заруратга қараб қўшимча далиллар талаб қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳни чақириш, экспертиза тайинлаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва бошқа ҳаракатлар амалга оширилмаган. Шунингдек, жабрланувчи Халил Эшқувватов ҳуқуқбузар Э. Қодировга берилган ишончноманинг ҳақиқийлиги ҳамда унинг суғурта полисида фойдаланувчилар рўйхатига киритилганлиги, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор-йўқлиги каби ҳолатларни обдан ўрганиш баробарида, суд-тиббий экспертиза хулосасидаги ноаниқликка барҳам бериш каби эътирозларни келтириб, буларнинг барчасини ҳуқуқий баҳолашни талаб этаётир.

Халил Эшқувватов йўл-транспорт ҳодисаси ва унинг оқибатларини ўрганишда адолатсизликка йўл қўйилаётганидан норози эканлигини бот-бот такрорлайди. Ушбу ҳолатни малакали ҳуқуқий баҳолаш учун суд идораларига нима монелик қилаётир, деган ҳақли савол туғилади? Ахир йўл-транспорт ҳодисаси туфайли бир инсон бу ёруғ оламни тарк этди. Марҳумнинг яқинлари эса ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний жазо тайинланишини талаб қилаётир. Шундай экан, тегишли идоралар томонидан ушбу масалага адолатли ечим топилади, деган умиддамиз.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# 236 та лойиҳа юзасидан амалий кўмак

**Инвестиция**

*Андижон шаҳридаги "Андижон тиббий диагностика" МЧЖда фаолият турини кенгайтириш ва хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида кўп тармоқли шифохона барпо этишга киришилди. Бунинг учун 17 миллиард сўмлик лойиҳага асос солинди. Яъни Туркия ва россиялик ҳамкорлар томонидан 1 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиладиган бўлди.*



— Янги бинони қуришга киришдик, — дейди МЧЖ раиси Баҳромжон Апсуломов. — Вилоят ҳокимига янги лойиҳамизни тақдим этдик. Кўрсатилган амалий кўмак туфайли ишимиз янада тезлашди.

Избоскан туманидаги "Online Store" МЧЖ томонидан 500 тонналик мева-сабзавот музлаткичи қурилиши режалаштирилган эди-ю, бироқ жой масаласига келганда муаммо юзага келди. Тадбиркор Ҳожиакбар Камоловнинг бу борадаги мурожаати юзасидан шу куннинг ўзида тумандаги фойдаланилмай турган бўш бино ажратиб берилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар вилоят ҳокимига қилинган бу каби мурожаатлар натижасида 236 та лойиҳа ижроси юзасидан амалий кўмак кўрсатилди. Бу эса минглаб янги иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қиляпти.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Эътироф

*Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида шу йилнинг 29 май куни Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашган эди.*

# Германия Президенти Урганч давлат университети ректорига ташаккурнома йўллади

Куни кеча Франк-Вальтер Штайнмайер Урганч давлат университети ректори Баҳром Абдуллаев номига ташаккурнома йўллади.

У университетда бўлиб ўтган илиқ ва самимий учрашув учун миннатдорлик билдирар экан, бу Ўзбекистон ёшларининг келажакдаги истак ва хоҳишлари ҳамда мамлакатингиз ҳақидаги тасаввурларимни янада кенгайтирди, дейди.

Президент ўз ташаккурномасида талабалар ва лицей ўқувчилари билан очиқ ва жонли руҳда ўтган самимий мулоқотни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш баробарида, ректордан университет академик лицейи ўқувчиларига ҳам ташаккурини етказишни сўраган.

**«Халқ сўзи».**

# АБИТУРИЕНТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ЯКУНЛАНДИ

Республикамиз бўйича жами **60 та** олий таълим муассасаси ва уларнинг 30 та филиалига кириш учун **1 миллион 66 минг 925 нафар** абитуриент рўйхатдан ўтди.

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**



**Жумладан:**

- кундузги таълимга — **718 097 нафар;**
- кечки таълимга — **13 821 нафар;**
- сиртқи таълимга — **335 007 нафар.**

**Қуйидаги ОТМларида энг кўп абитуриент рўйхатдан ўтган:**

1. Самарқанд давлат университети — **74 377 нафар;**
2. Андижон давлат университети — **45 977 нафар;**
3. Қарши давлат университети — **44 676 нафар.**

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.*

# Фарзона Испанияда тенгсиз деб топилди

*Фарғоналик 15 ёшли Фарзона Юлдашева жорий йилнинг 8 июль куни Испанияда дунё ўсмирлари ўртасида ўтказилган "International art contest "Sea sun festival"нинг скрипка чалиш йўналишида мутлақ ғолибликни қўлга киритди.*

Фарзона Фарғона шаҳридаги 6-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси. Ота-онаси — Бахтиёржон ва Ҳилолахон фарзандининг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида уни 6 ёшиданоқ болалар мусиқа ва санъат мактабига берди. Қизалоқдаги скрипка чалишга бўлган иқтидор устози Олимжон Икромов меҳнатлари билан сайқал топди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Фарзона Юлдашева 2018 йилда Россия Федерациясининг Саранск вилоятида ўтказилган "Чудеса искусства" халқаро танловининг "Инструментальный жанр" йўналишида I даражали совриндор бўлган. Халқаро "Море солнце" фестивалида ҳам 1-ўрин соҳибасига айланган.

**Элёржон ЭҲСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 15 ИЮНДАН 21 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 29 майдаги 67-сон "Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

***2019 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-6. (2019 йил 17 июндан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2019 йил 29 майдаги 01-263-сон "Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2019 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2812-1. (2019 йил 17 июндан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 71-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963-1. (2019 йил 19 июндан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 2 майдаги 71-сон "Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168. (2019 йил 19 июндан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 10 июндаги 335-В-3, 01-02/12-22-сон "Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-3. (2019 йил 20 июндан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/6-сон "Кредит бюролари ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

***2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2330-1. (2019 йил 20 июндан кучга кирди).***

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/7-сон "Кредит бюролари, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

***2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2331-1. (2019 йил 20 июндан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/8-сон "Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

***2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-3. (2019 йил 20 июндан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг "Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2812, 2016 йил 14 июль).

**Адлия вазирининг 2019 йил 17 июндаги 258-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 2963, 2018 йил 12 январь).

**Адлия вазирининг 2019 йил 19 июндаги 259-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

# ВАТАН ФИДОЙИЛАРНИ УНУТМАЙДИ

*Ҳар қандай давлат ва халқнинг мустақиллиги, тинчлиги ва осойишталигини унинг Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Шу боис барча замонларда мамлакат мудофаасига алоҳида аҳамият қаратилган. Ҳозирги кунда юртимизда ҳам ушбу йўналишда залворли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида Ватанимизнинг нафақат бугунги тараққиёти, балки келажакдаги ривожланиш талабларига ҳам жавоб берадиган, мутлақо янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди.*


Сурат mudofaa.uz сайти архивидан олинди.

## Ғамхўрлик

Қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, "Миллий армиямиз — бизнинг ғуруримиз, фахримиз" тамойили асосида мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатининг жамоатчиликка етказилиши йўлга қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ, армия ва халқ якдиллиги таъминланди, жамиятда Қуролли Кучларимизга нисбатан ишонч ортди.

Ислоҳотлар жараёнини кузатар эканмиз, бунда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам салмоқли ўрин эгаллаётганини кўрамиз. Зеро, ўтган йиллар давомида ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди, бу борада қатор дастурлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ қилинди. Эзгу мақсадни кўзлаган ана шундай ҳужжатлардан бири давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридир. Унга мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим ва олий ҳарбий таълим муассасаларига квота бўйича кириш ҳамда давлат гранти асосида таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. Биргина 2018 йилда ушбу имкониятдан фойдаланиб, 565 нафар ҳарбий хизматчининг, хизмат бурчини бажариш чоғида ногиронлик олган 59 нафар ҳамда марҳум ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Жорий йилда эса 930 нафар ҳарбий хизматчининг, 72 нафар хизмат бурчини бажариш чоғида ногиронлик олган ҳамда марҳум ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига квота асосида олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиёзини берувчи тавсияномалар топширилди.

Дарҳақиқат, Ватан тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган фидойиларнинг номи халқ ёдидан, хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Зеро, бугунги дориламон кунларда ана шу инсонларнинг улкан ҳиссаси бор. Шу боис ҳам хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари давлатимизнинг доимий эътиборидадир. Жумладан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ҳам улар учун алоҳида банд ажратилган. Унга асосан, вазирликлар ва идораларга 2018/2019 ўқув йилидан олдин тўлов-шартнома асосида олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишига ўқишга кирган, ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарларнинг фарзандлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шартномаларни тўлашга рухсат берилди. Ўтган йили Мудофаа вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларида шартнома асосида таҳсил олаётган 6 нафар марҳум ҳарбий хизматчининг фарзандлари учун 47 миллион сўмдан ортиқ шартнома пули тўлаб берилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир. Бу жараёнлар бундан кейин ҳам изчил давом этади.

**Ҳасан ХАЛИЛОВ,**
**Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник.**

Спорт



# ЖАҲОН КУБОГИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

*Италиянинг Терамо шаҳрида ўн саккиз ёшгача бўлган спортчилар ўртасида гандбол бўйича жаҳон кубоги ўтказилди.*

Халқаро гандбол федерациясининг тақвимига кирувчи мазкур беллашувда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати маълум қилишича, 47-маротаба ташкил этилган мусобақада 32 давлатдан 122 жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Жаҳон кубогида Ўзбекистон шарафини Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ўқувчиларидан иборат жамоамиз ҳимоя қилди.

Беллашув давомида ҳамюртларимиз Дания (30:9), Франция (22:16), Германия (28:9), Италия (22:15), Чехия (30:18), Польша (38:12), Туркия (34:15) каби жамоалар устидан ишончли ғалабага эришди.

Ярим финалда венгриялик рақибларини 28:18 ҳисобида мағлубиятга учратган спортчиларимиз, финалда Чехия терма жамоасига 25:26 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди.

**«Халқ сўзи».**

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг
*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:*
*Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).*
*Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).*
Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.
VOLVO махсус қурилиш техникалари
Ғилдиракли экскаваторлар
Занжирли экскаваторлар



SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)
фронтал юклагичлар
Экскаватор-юклагичлар
Автогрейдерлар
Катоклар



*Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.*
*Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.*
Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.
Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
416Ј/
Маҳсулотлар сертификатланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали
кафедралардаги мавжуд бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади.

Мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси бўйича:
— доцент лавозими — 2 ўрин;
— катта ўқитувчи лавозими — 2 ўрин;
— ўқитувчи лавозими — 3 ўрин.

Гуманитар фанлар кафедраси бўйича:
— доцент лавозими — 2 ўрин;
— катта ўқитувчи лавозими — 2 ўрин;
— ўқитувчи лавозими — 3 ўрин.

1. Бош ҳисобчи — 1 ўрин.
2. Режа-молия бўлими бошлиғи — 1 ўрин.
3. Ишлар бошқармаси бошлиғи — 1 ўрин.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар танлов эълон қилинган санадан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга ариза билан мурожаат этишлари мумкин:

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уй, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали.
Мурожаат учун телефон: 71-276-00-96.
585R/393

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚК
штангали винтли насосларни (5 тўпламда) етказиб бериш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун таклифлар сўрови ўтказилишини маълум қилади.

**Таклифлар сўрови** — № AP-16/19.
**Буюртмачи/ташкилотчи** — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚК.
**Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби** — электрон почта орқали, e-mail: KBelov@nestro.ru
**Таклифларни бериш тартиби** — муҳрланган конвертларда Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 97-«А» уй манзили бўйича «Андижоннефть» АЖ қўшимча маъмурий биносининг 3-қавати, 6-хона.
**Таклифларни қабул қилиш бошланадиган сана ва вақт** — ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб.
**Таклифларни қабул қилиш тўхтатиладиган сана ва вақт (GMT+5)** — 2019 йил 28 июль. Соат 12.00.
**Мурожаат қилиш учун:**
Белов Константин Сергеевич,
тел.: + 7 495 748-64-24, қўш.3222.
E-mail: KBelov@nestro.ru
Ўзбекистон Республикаси —
Ҳожимуродов Баҳром Обидович,
тел.: 91-611-44-33.
581R/

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

DOOSAN
«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.
www.uztow.com



«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.



DOOSAN
Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.
Тел.: 71-200-00-27 /28.
E-mail: doosansales@uztow.com
Маҳсулотлар сертификатланган.

амкодор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ
«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори
олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар
МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар
занжирли ва ғилдиракли экскаваторлар
санчқили юклагичлар



Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда
ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар
гидравлика



Маҳсулот сертификатланган.
451R/435
Моб.: 90-974-00-61, 90-900-61-72. Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 457 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8786

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.40 1 3456